Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича

№ 34 сонли

# ШАРТНОМА

01.02.2022 йил

Фуркат туман

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи(кейинги ўринларда "Нон ишлаб чикариш" МЧЖ «Таъминотчи» деб аталади) номидан рахбари .Т Мелиев биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Фуркат тумани мактабгача таълим булими(келгусида «Истеъмолчи»деб аталади) рахбари Д.Кодирова ўрталарида куйидаги максадларда тузилди.

## 1.Шартнома предмети

1.1.«Сотувчи» «Харидор»га куйидаги товарларни етказиб беради бўлка нон

1.2.Мазкуршартноманингумумий киймати 13748000сўм, (ўн уч миллион етти юз кирк саккиз минг )сўм *(рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади)*сўмни ташкил килади.

1.3. Махсулотлар 2022 йил тегишли февраль ойида куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| Т/Р | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Булка нон | кг | 4910 | 2800 | 13748000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| Жами: | | | | | 13748000 |

*Изох: Шартнома муддати бир ойдан ортик бўлганда ассортимент бўйича олинаётган махсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун* талаб ва эхтиёждан ва нарх-наволардан келиб чиккан холда алохида спецификация холатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиклангандан сўнг ушбу шартномага илова килинади ва шартноманинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган холатда кўшимча келишув оркали шартноманинг суммасига ўзгариш киритилади.

## 2. Хисоб-китоб шартлари.

2.1 Олинган нон махсулотлари учун белгиланган нархда тўлов жадвали бўйича хисоб-китоб килинади. Шартномани амал килиш муддати даврида нон махсулотларини нархлари ўзгарганда ўзаро тузилган кўшимча келишувга асосан ушбу ўзгарган нархлар бўйича хисоб-китоб амалга оширилади.

2.2 «Истеъмолчи» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади хамда тулик хисоб-китобни махсулот олингандан сўнг, счет фактураларга асосан пул ўтказиш йули билан амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортик муддатга тузилганда 15% микдорида олдиндан тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Махсулотлар учун нарх махсулот етказиб беришга даъвогар бўлган корхоналарнинг тижорат-таклифларидан хамда худуддаги ўртача бозор нархлари асосидава таклим этилаётган махсулотларни сифатини эътиборга олиб ўзаро танлов асосида белгиланади. Нон махсулотлариучун нарх бозор нархларидан ошмаган холда сифат даражасига караб етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида ўзаро келишилиб белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган нон махсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Таъминотчи» зиммасидан копланади.

## 3. Махсулот етказиб бериш:

3.1«Таъминотчи» шартномада белгиланган махсулотларни келишилган таксимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгохларига белгиланган муддатларда яъни февраль ойида етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

## 4. Томонлар хукуки ва мажбуриятлари:

4.1 «Таъминотчи» махсулотни сифатини тасдикловчи хужжат (мувофиклик сертификати ва санитария-гигиена сертификати, гўшт махсулотлари учун ветеринария бўлими хулосаси ва хоказолар) хамда махсулотдан намуна таклим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» томонидан ишонч билдирилган, муассаса рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, хамда юмалок мухр босилган ишонч когози кўрсатган вакилга махсулот беради. . Агар «Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи»нинг ишонч когозида курсатилмаган махсулотларни ёки махсулотларни ишонч когозида белгиланган микдоридан ортик берган холларда бу махсулотлар учун «Харидор» томонидан хак туланмайди. Шунингдек, «Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса бу махсулотлар «Таъминотчи»га кайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун хак тўланмайди.

4.3 «Таъминотчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варакларда тўлик ва аник номини, махсулот навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-вараклар бўйича тўлов амалга оширилмайди. Ушбу холатлар тегишли далолатномалар оркали расмийлаштирилади.

4.4. «Истеъмолчи»«Таъминотчи» томонидан юборилган махсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб кабул килиб олгандан сўнг олинган махсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

## 5.Томонлар жавобгарлиги

5.1 Агар «Таъминотчи» томонидан "«Истеъмолчи»"га сифатсиз,ёки саклаш муддати ўтиб кетган махсулотларни етказиб берган холда "«Истеъмолчи»«Таъминотчи»дан бундай махсулотларнинг умумий кийматидан 20% жарима кўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатда етказиб берилмаса, «Таъминотчи» муддати ўтган хар бир кун учун кечиктирилган махсулот кийматининг 0,5% микдорида лекин кечиктирилган махсулот кийматининг 50% дан ошмаган холда "«Истеъмолчи»га пеня тўлайди.

5.3 Агар "«Истеъмолчи»" «Таъминотчи»дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% микдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% ошмаган микдорда пеня тўлайди.

5.4 Жарималар тўланиши «Таъминотчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди

## 6.<Форс-мажор>

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавкулодда холларда бузилса (яъни сув тошқини,енгин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва хукуматнинг махсус карорларини бажариш билан боғлиқ холатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

## 7. Шартнома муддати

7.1 Шартноманинг амал килиш муддати 01.02.2022 йилдан 28 .02. 2022 йилгача.Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вактида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

**7.2Шартнома куйидаги холларда муддатидан олдин бекор килиниши мумкин:**

а)томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

б)«Таъминотчи»томонидан етказиб берилган махсулотни сифатсизлиги тўғрисида«Истемолчи» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда; в)«Таъминотчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1 , 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда;г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани холда «Таъминотчи» ушбуга розилик бермаган такдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум саподан ўзгариши (камайиши еки кўпайиши)лозим бўлгани холда томонлар ўзаро келиша олмаган такдирда;

Изох: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар «Истемолчи» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Истемолчи» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган холда хат билан маълум килади.

7.2 Шартноманинг тарафи иккинчи тарафдан шартнома бўйича мажбуриятларини тўла ёки қисман бажаришини қабул қилган ёхуд шартноманинг амал қилишини бошқача тарзда тасдиқлаганда ушбу шартномани кейинчалик хақиқий эмас деб топишини талаб қилишга агар бундай талаб халоллик принципига зид бўлса хакли эмас .

7.3 Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланади .

Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя етилмаганда иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга бекор қилишга хамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга хакли бўлади

## 8. Қўшимча шартлар

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаганда такдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан иктисодий судлари оркали хал килинади.

8.2«Таъминотчи»ўз фаолиятини юритиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия,гувохнома,сертификат) «Истеъмолчи»га такдим этади.

8.3 Шартномани бажарилиши учун тааълукли хужжатларни хакконийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни такдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва мухрлари билан тасдикланиб *тегишли ғазначилик бўлинмасида* рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

## 9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»
"Нон ишлаб чиқариш" МЧЖ
(мол етказиб берувчининг номи)
Манзил:Фуркат тумани
Тел./факс 945526740
х/в20208000200222281001
Банк номи:Фуркат Агро банк
МФО:00533
СТИР200200798
ОКОНХ: 18113

Рахбар, Т Мелиев
( Ф.И.Ш) (имзо)

М.У.

«Истеъмолчи»
МТБ
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Фуркат тумани
Тел./54 92844
ш/х*400522860302387091100251052
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи:305153794
ОКОНХ 92400

Ғазначилик номи: Фуркат тумани бўйича
Ғазначилик бўлинмаси
Я.Ғ.Х.23402000300100001010
Банкнинг номи: Марказий Банк ХККМ ББ
МФО 00014
Ғазначилик СТИРи:201122919

Рахбар Д.Кодирова
(Ф.И.Ш) (имзо)

М.У.

...рон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: CB745725761

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HYJJATLARNING QONUN HUJJATLARGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**02.02.2022 yil** **Furqat tumani**

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma

2. **Loyihaning nomi:** Furqat tumani maktabgacha ta'lim bo'limi va "Non ishlab chiqarish" MChJ o'rtasida oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash to'g'risidagi № 34-sonli shartnoma

3. **Loyixa ishlab chiqilgan va markazga kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**
   Shartnoma loyihasi 2022-yil 01-fevral kuni ishlab chiqilgan va Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 01-fevral kuni ekspertizadan o'tkazish va xulosa olish uchun kelib tushgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Furqat tuman YuXKM**
**bosh yuriskonsulti** **M.M.Axmedov**